

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ
Ягона акциядорининг 1 – сонли қарори

Тошкент шаҳри

“16” сентябр 2024 йил

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг барча 14 999 832 119 дона акциялари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли бўлиб, Жамиятнинг Ягона акциядори хисобланади.

Кун тартиби:

Жамият Кузатув кенгашига тайинланган мустақил аъзоларнинг мукофот миқдорини белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 74-моддасига асосан акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланиши ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан Ягона акциядор **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 июлдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банклари фаолиятининг операцион самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 464-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур мустақил аъзолар Кузатув кенгаши қўмитаси раиси ёки аъзоси сифатида амалга оширадиган фаолияти учун шартномада белгиланган йиллик мукофот миқдорининг 10 фоизи миқдорида қўшимча мукофот тўланиши белгилансин.

3. “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари билан тузилаётган шартномалар мазкур қарорнинг 1 ва 2 – иловаларига мувофиқ маъқуллансин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш жамият Бошқарув раисининг зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирининг
ўринбосари

 **X. Мустафаев**